

УДК: 340.624-610.21

**СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИСТЕЪМОЛИ НАТИЖАСИДА СОДИР БЎЛГАН
АВТОЖАРОҲАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ****Бекназаров Ш.Ю., Бекназаров Ж.Ш, Лочинов Ф.Н.***Тошкент давлат тиббиёт университети,**“Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси*

Аннотация. Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларини (ҳайдовчилар, йўловчилар ва пиёдалар) оғир оқибатли жароҳатланиши ва ўлими ҳолатларида спиртли ичимликлар истеъмолини аҳамияти тўғрисида маълумотлари берилган.

Калит сўзлар: суд тиббиёти, автомобил травмаси, суд-тиббий экспертиза, профилактик чоралар.

Аннотация: В данной статье приводится значение алкоголя при получения тяжелых травмах, приведших к гибели участников (водителей, пассажиров и пешеходов) дорожно-транспортного происшествия.

Ключевые слова: судебная медицина, автомобильная травма, судебно-медицинская экспертиза, меры профилактики.

Abstract: This article discusses the role of alcohol in the occurrence of serious injuries resulting in the death of participants (drivers, passengers and pedestrians) in a road traffic accident.

Key words: forensic medicine, car injury, forensic medical examination, preventive measures.

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги йилларда транспорт воситаларининг сонини ошиши ўз навбатида транспорт травматизмининг кўпайишига олиб келди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги ҳисоботида дунёда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати тўғрисида келтирилган маълумотларига кўра, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳар йили 100 миллионга яқин кишига турли оғирликдаги тан жароҳатлари етказилади, 1,5 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлади ва улардан ҳар бешинчисини вояга етмаган болалар ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлган ва жароҳатланиш оқибатида бир умрга ногирон бўлиб қолганларнинг асосий қисми меҳнатга лаётқатли аҳоли қатламига тўғри келади. Буни оқибатида келтирилган иқтисодий зарар дунё бўйича 500 млрд долларни ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра, Европа ва ҳамдўстлик мамлакатларида йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларни 30 фоизи 15-29 ёшли аҳоли бўлиб уларни кўпчилигини эркаклар ташкил этади. 2020 йилида Белоруссияда йўл-транспорт ҳодисаларида вафот этган ҳайдовчиларни 18 фоизи ўрта ва оғир даражали мастлик ҳолатида транспортни бошқарганлиги қайд этилган. Ушбу йилда бу кўрсаткич Россияда 13,9 фоизни ташкил этган, яъни ҳар олтинчи ҳайдовчи транспрот воситасини маст


холда бошқарган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлиб ҳар тўртинчи ҳайдовчи алкоғолдан мастлик ҳолатида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларида олган оғир жароҳатларидан вафот этган [1, 2, 4, 7, 8].

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси маълумотиға кўра, 2021 йилда мамлакатимизда 10001 та йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган бўлиб уларда 9230 киши турли даражада тан жароҳати олган ва 2436 киши ҳаётдан кўз юмган. Биргина Тошкент шаҳрида қайд этилган 1073 та йўл-транспорт ҳодисаларда 142 киши ҳалок бўлган. Тинч замонда бир йилда 2000 мингдан зиёд яқин инсонларнинг йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлиши жамиятмиз учун катта фожиа бўлиб ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бир қаторда суд-тиббий экспертларда учун ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда [3, 5, 6, 9].

Тадқиқотнинг мақсади. Экспертиза материаллари бўйича йўл-транспорт ҳодисаларида вафот этган ҳайдовчилар қонида алкоғол мавжудлиги уларнинг ўлимга олиб келадиган оғир шикастланишлар учун аҳамиятли бўлган омил эканлигини суд-тиббий жиҳатдан ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот жараёнида РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида 2018-2021 йилларда йўл-транспорт ҳодисасида жароҳатланиш оқибатида вафот этган шахсларга нисбатан ўтказилган суд-тиббий экспертиза ҳулосалари ўрганилди.

Текширув натижалари ва уларни таҳлили. Таҳлил натижалари кўйидаги диаграммада келтирилган:



Юқоридаги диаграммада кўрсатилганидек, 2018 йилда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларидан жароҳатланиш оқибатида жами 490 та инсон вафот этган. Улардан 173 таси (35,3%) алкоғол истеъмол қилганлиги аниқланган. Жумладан,

хайдовчилар 20 та (11,6%), йўловчилар 30 та (17,3%) ва пиёдалар 123 таси пиёда (71,1%) ташкил этган.

2019 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 450 та инсон вафот этган. Улардан 206 таси (45,8%) алкоголь истеъмол қилганлиги аниқланган. Жумладан, хайдовчилар 42 таси (20,4%), йўловчилар 32 та (15,5%) ва пиёдалар 132 та (64,1%) ташкил этган.

2020 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 359 та инсон вафот этган. Улардан 124 таси (34,5%) алкоголь истеъмол қилганлиги аниқланган. Жумладан, хайдовчилар 43 та (34,7%), йўловчилар 15 та (12,1%) ва пиёдалар 66 тани (53,2%) ташкил этган.

2021 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 440 та инсон вафот этган. Улардан 90 таси (20,4%) алкоголь истеъмол қилганлиги аниқланган. Жумладан, хайдовчилар 15 та (16,7%), йўловчилар 13 та (14,4%) ва пиёдалар 62 та (68,9%) ташкил этган.

Ушбу йилларда вафот этган хайдовчилар қонида 1 промилледан 5,2 промиллегача алкоголь мавжудлиги аниқланганлиги улар транспорт воситаларини енгил, ўрта ва оғир даражали мастлик ҳолатида бошқарганлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида 2018-2021 йилларда йўл-транспорт ҳодисасида жароҳатланиш оқибатида вафот этган шахсларга нисбатан ўтказилган экспертиза хулосалари ўрганиш натижаларига кўра, ушбу йилларда йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш оқибатида жами 1739 та инсон вафот этганлиги ва уларнинг 593 таси (34,1%) алкоголь истеъмол қилганлиги аниқланди. Жумладан, хайдовчилар 120 та (20,2%), йўловчилар 90 та (15,2%) ва пиёдалар 383 та (64,6%) ташкил этган.

Хайдовчиларни спиртли ичиликлар истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги сабабидан йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларини жароҳатланиши оқибатидаги ўлим кўрсаткичларини юқорилиги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бир қаторда бошқа соҳа мутахассислари учун ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳоли ўлимга сабаб бўладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда унинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар (пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши, белгиланган тезликка риоя қилмаслик, велосипед йўлаклари ташкил этилмагани ва х.к.з) қаторида автомобилни маст ҳолатда бошқариш фактини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини бошқаришнинг оғир оқибатлари тўғрисида маҳаллаларда, ташкилотларда, ўрта ва олий таълим муассасаларида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайитириш чоратadbирлари тўғриси”даги ПҚ-190-сон қарори, 04.04.2022 йил.
2. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа // Учебное пособие. Ташкент, 2023.
3. Бекназаров Ш.Ю., Лочинов Ф.Н. ва бошқ. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жароҳатланиш ва ўлимнинг суд-тиббий таҳлили // ТТА ахборотномаси. 2024, №7. 68-72 б.

4. Гиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.
5. Лочинов Ф.Н., Тожикулов Р.А. ва бошқ. Йўл-транспорт ҳодисаларида болалар ўлими: келиб чиқиш сабаблари ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чоралари //ТТА ахборотномаси. 2023, 77-79 б.
6. Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И. ва бошқ. Ишлаб чиқариш травматизмининг суд-тиббий аҳамияти //ТТА ахборотномаси. 2022, №10, 141-143 б.
7. Маякова М.В. Судебно-медицинская оценка травматических повреждений участников ДТП (водителей и пассажиров переднего сидения), возникающих в салоне автомобиля при лобовом столкновении с движущейся преградой // Актуальные вопросы судебно-медицинской науки и практики. - Киров, 2010. - С. 245.
8. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.
9. Шодиев Г.Б., Бекназаров Ш.Й., Лочинов Ф.Н. Ўлимга олиб келувчи автожароҳатларни баҳолашнинг суд-тиббий мезонлари. ТТА ахборотномаси. 2023, 270 б.